

УТВЕРЖДАЮ

Председатель конкурсной комиссии
"Дехқонобод ТЙФУК"

Директор

2022 г.



Дехқонобод ТЙФУК

**2022 йил Реконструкция, жорий таъмирлаш ва ички
йулларни таъмирлашда фойдаланиладиган майда
донали (мелкозернистий) асфальтобетон
маҳсулотини тайёрлаш (тегирмон хизмати)**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Заказчик: "Дехқонобод ТЙФУК"

Дехқонобод тумани - 2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:
Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Хизматда шартнома асосида иссиқ холатда асфальтобетон ишлаб чиқариш(тегирмон хизмати).
1.2. Танлов охирги қиймати – 96 000 000 сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 40 кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати танлов якунланган кундан бошлаб хисобланади.

1.6 Юкори турувчи ташкилотлардан пул маблаги келиб тушгандан кейин.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Дехконобод ТЙФУК, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани, Дўстлик МФЙ

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Дехконобод ТЙФУК биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар қўрсатишига ихтисослашган, юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқукий лаёкат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялашириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (әжратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштироқ, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов билан танишиб чиқиш ва танлов тақлифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

3.6. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатшга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкун.

3.7. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар кўйилади:

- Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳукуқий лаёқат ва ваколатлар;
- Танлов обьектига ўхшаш обьектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50% дан кам бўлмаган ҳолда).

3.8. Тақдим қилинаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

3.9. Иссик майда донали (горячая мелкозерностая) асфальтобетон булганлиги сабабли Асфальт ишлаб чиқарувчи корхона оралиқ масофа Дехконобод туманига яқин булиши шарт.